

Жиззах шаҳар ҳокимлиги  
хузуридаги Ягона Дарча  
Марказидан 2016 йил  
" \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ да  
\_\_\_\_\_ -рақам билан  
қайта рўйхатдан  
ўтказилди

"Жиззахдонмахсулотлари"  
акциядорлик жамияти  
акциядорларининг 2016 йил 27 август  
кунги навбатдан ташқари умумий  
йиғилишининг қарори билан  
тасдиқланган.

## **«ЖИЗЗАХДОНМАХСУЛОТЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

# **У С Т А В И**

(Янги тахрирда)

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.1 «Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти** (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) **дастлаб** «Жиззахдонмахсулотлари худудий бош бошқармаси деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 20 июндаги «Ўздонмахсулот» давлат-акционерлик корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 311-сонли қарорига асосан, таъсисчиларнинг 1994 йил 12 сентябрдаги таъсис шартномаси ва Жиззах вилоят Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасининг 1994 йил 29 декабрдаги 332-сонли буруғи билан «Жиззах дон махсулотлари хиссадорлик уюшмаси бош корхонаси» очик типдаги хиссадорлик жамиятига айлантирилиб, 1995 йил 15 мартда 000854-сонли мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери олиб, «Жиззах дон махсулотлари ишлаб чиқарувчилар акционерлик уюшмаси» Низоми 1995 йил 16 майда Жиззах шаҳар ҳокимлигининг 540-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилган, шунингдек Жиззах вилоят Адлия бошқармаси томонидан 1995 йил 24 майда давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳақида 262-сонли гувоҳнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорига асосан очик турдаги «Жиззах дон махсулотлари» акциядорлик жамияти сифатида Жиззах вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармасида 1999 йил 10 февралда 287-рақам билан устав фонди миқдори 25583,4 минг сўмни ташкил қилган ҳолда Низоми рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 6 августдаги «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги 376-сонли қарорига асосан, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси ҳузуридаги «Юридик шахслар бирлашмаларини ва бозорларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш Комиссияси»нинг 2004 йил 20 декабрдаги 2-сонли мажлис баёни билан «Жиззах дон махсулотлари» ишлаб чиқарувчилар акциядорлик уюшмаси давлат рўйхатидан чиқарилиб, унинг ҳуқуқий вориси сифатида «Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти эътироф этилган.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Низоми низом жамғармаси миқдори 66214,4 минг сўмни ташкил қилган ҳолда Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида 620-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият низом жамғармаси миқдори 99997,1 минг сўмга оширилган ҳолда 2005 йил 20 июнда жамият Низомининг 3.2-бандига киритилган ўзгартириш Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 838-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Шунингдек, жамият Низомининг 1.1-банди, 1.3-банди, 2.1-бандига ўзгартириш киритилиб, 2.2-банди чиқарилиб Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2008 йил 15 апрелда 2152- рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият Низомининг 1.1-банди, 5.4-бандига ўзгартириш, 5.5-банд ва 6.8-банд қўшилиб, 9.7-бандга ўзгартириш, 9.8-банд чиқарилиб, 9.9-банд ва 10.22-бандига ўзгартириш киритилиб Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 19 ноябрда 3649- рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият низом жамғармаси миқдори купайтирилиб 700000,0 минг сўмга етказилган ва жамият Низомининг 3.2-бандига ўзгартириш киритилиб, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2011 йил 1 апрелда 3948-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Мазкур янги таҳрирдаги Устав тасдиқлангунча сўнгги марта Жамият низом жамғармаси миқдори купайтирилиб 889 013 300,0 минг сўмга етказилган ва жамият Низомининг 3.2-бандига ўзгартириш киритилиб, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2014 йил 14 майда 5729-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

**1.2 Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:**

*Лотин алифбосида:* “**Жиззахдонмахсулотлари**” aksiyadorlik jamiyati;

*Кирилл алифбосида:* “**Жиззахдонмахсулотлари**” акциядорлик жамияти;

**Қисқартирилган номи:** *Лотин алифбосида:* “**Жиззахдонмахсулотлари**”АЖ; *Кирилл алифбосида:* “**Жиззахдонмахсулотлари**” АЖ; Рус тилида : Акционерное общество “**Жиззахдонмахсулотлари**”;

Русчада қисқартирилган номи: АО “**Жиззахдонмахсулотлари**”.

**1.3 Жамиятнинг жойлашган манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Чўл кўчаси, 10- уй.

**1.4 ВЕБ-сайт;** [www.jizzaxdonmaxsulotlari.uz](http://www.jizzaxdonmaxsulotlari.uz) Электрон почта манзили: [jizzaxdon@mail.ru](mailto:jizzaxdon@mail.ru).

## II. ЮРИДИК МАҚОМИ.

**2.1.** Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларни олади ҳамда амалга оширади, зиммасига мажбуриятлар олиб, судда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

**2.2.** Жамият давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг юридик мақомга эга бўлади.

**2.3.** Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб варақларига эга ва қонунчиликда белгиланган тартибда яна ҳисоб рақамлар очиш мумкин.

**2.4.** Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Устав асосида амалга оширади.

**2.5.** Жамият 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси фан ва техника комитети томонидан MBGU 95007923-рақам билан рўйхатдан ўтказилган тимсол ва товар белгисига эга булиб, шу белги асосида ўзининг номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрга (муҳрда кўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақлидир.

**2.6.** Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

**2.7.** Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

**2.8.** Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

**2.9.** Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

**2.10.** Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилади.

**2.11.** Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

**2.12.** Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

**2.13.** Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ва ваколатхоналар, ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

**2.14.** Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**2.15.** Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол- мулк билан таъминлайди.

**2.16.** Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш кўради. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

**2.17.** Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият бошқарув раиси томонидан тайинланади ва жамият бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

**2.18.** Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик жамият зиммасида бўлади.

**2.19.** Жамият Масыулияти чекланган жамият шаклидаги шуъба ва тобъе хўжалик жамиятлари ташкил этишга ҳақли.

**2.20.** Шуъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

**2.21.** Шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган асосий жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқи фақат шўъба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамиятининг уставига назарда тутилган тақдирда асосий жамият бундай ҳуқуққа эга бўлади.

**2.22.** Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

**2.23.** Жамият, тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

**2.24.** Жамият фаолиятининг амал қилиш муддати чекланмаган.

### **III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ.**

**3.1.** Жамият фаолиятининг асосий соҳаси давлат эҳтиёжи учун дон маҳсулотларини қабул қилиш, қайта ишлаш, сотиш ҳамда истеъмолчиларга ун ва ун маҳсулотлари, жумладан барча турдаги нон ва макарон маҳсулотларини сотиш орқали таъминлашдан иборат.

**3.2.** Жамият асосий соҳадан ташқари махсус лицензия ва рухсатнома талаб қилинадиган фаолият турлари билан махсус лицензия ва рухсатнома олганидан сўнг, ҳамда лицензия ва рухсатнома талаб қилинмайдиган бошқа фаолият турлари билан қонун талабларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида шуғулланиши мумкин.

### **IV. ЖАМИЯТ МОЛ-МУЛКИ, УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.**

**4.1.** Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, жамият таъсисчилари томонидан қонунда белгиланган тартибда берилган мулклар, хўжалик юритиш натижасида олган фойдаси, шунингдек бошқа қонуний асосларда сотиб олган мулклар ташкил қилади.

**4.2.** Жамият устав фонди миқдори номинал қиймати 100 сўмлик 8 890 133 дона, шу жумладан 8 887 593 дона оддий ва 2540 дона имтиёзли акцияларга бўлинган ҳолда 889 013 300 (саккиз юз саксон тўққиз миллион ун уч минг уч юз)сўмни ташкил этиб, қуйидагича бўлинади;

- 54,33 фоиз, 483 014 700 ( тўрт юз саксон уч миллион ўн тўрт минг етти юз)сўмлик, 4 830 147 дона оддий акциялар давлат улуши.
- 40,16 фоиз, 357 000 000( уч юз эллик етти миллион)сўмлик,3 570 000 дона, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси улуши.
- 5,51 фоиз, 48 998 600( қирқ саккиз миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг олти юз) сўмлик, 489986 дона, шундан 487446 дона оддий ва 2540 дона имтиёзли акциялар бошқа акциядорлар улуши.

**4.3.** Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши ва унинг номинал қиймати 5000(беш минг) сўмдан ошмаслиги керак.

**4.4.** Жамиятнинг устав фонди жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

**4.5.** Жамиятнинг эълон қилинган (кўшимча)акциялар миқдори 10000000 ( ўн миллион) донани ташкил қилиб, бир дона акциянинг номинал қиймати 100(юз)сўмдан барчаси эгасининг номи ёзилган нақдсиз кўринишда оддий турдаги бўлади.

#### **а)Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш**

**4.6.** Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

**4.7.** Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

**4.8.** Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

**4.9.** Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.

**4.10.** Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

**4.11.** Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

**4.12.** Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

**4.13.** Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш сўммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

#### **б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш**

**4.14.** Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

**4.15.** Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш қуни белгиланадиган жамият Устав фондининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

**4.16.** Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

**4.17.** Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётган вақтда умумий йиғилиш устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

**4.18.** Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

### **V. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ НАРХИ**

**5.1.** Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

**5.2.** Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари мазкур уставнинг 5.1 бандида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

**5.3.** Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида очиқ обуна ўтказишга ҳақли.

**5.4.** Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли (қонун ҳужжатларида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно).

**5.5.** Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

**5.6.** Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш нархи кузатув кенгаши томонидан, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**5.7.** Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

**5.8.** Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

**5.9.** Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳамда белгиланган шаклда ҳақ тўланиши лозим.

**5.10.** Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

**5.11.** Имтиёзли ҳуқуқнинг қулланилиши жамият овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эга бўлган акциядор ёки акциядорларнинг талабларига биноан акциядорлар умумий йиғилишида қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

## **VI. ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРНИ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОЛИШ ВА УЛАРНИ ОЛИШГА ДОИР ЧЕКЛОВЛАР**

**6.1.** Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

**6.2.** Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг Қонун ҳужжатларида назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

**6.3.** Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида қайтариб олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

**6.4.** Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилади.

**6.5.** Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари ёки мол мулк бериш ҳамда бошқа қонуний тўлов воситалари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

**6.6.** Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт.

**6.7.** Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

**6.8.** Кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар улар жамият тасарруфига ўтган пайдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилинади.

**6.9.** Жамият томонидан ўз акцияларининг олиниши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мустақил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

**6.10.** Жамият ўзининг жойлаштирилган оддий акцияларини:

- жамиятнинг бутун устав фонди батамом тўлангунига қадар;

- агар оддий акцияларни олиш пайтида жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни олганлиги натижасида пайдо бўлса;

- агар оддий акцияларни олиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан, захира фондидан ва жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг жамият уставида белгиланган тугатиш қийматининг номинал қийматидан ортиқ қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни олиш натижасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса, олишга ҳақли эмас.

**6.11.** Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 40 ва 41-моддаларига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунига қадар жамият жойлаштирилган акцияларни олишга ҳақли эмас.

## **VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**7.1.** Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

**7.2.** Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**7.3.** Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

**7.4.** Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

**7.5.** Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

**7.6.** Депо ҳисобварағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжатдир.

**7.7.** Жамият акциядорларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- жамият уставига риоя этиш.
- жамият фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш, зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш. жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат ёки қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилмаслик.

### **Оддий акциялар эгаларининг алоҳида ҳуқуқлари.**

**7.8.** Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

### **Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг алоҳида ҳуқуқлари.**

**7.9.** Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамият фойда куриш-курмаслигидан катъий назар ушбу уставда белгиланган миқдорда дивиденд олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқга эга бўлган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга булмайдилар, ушбу уставнинг 7.12- ва 7.13-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**7.10.** Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида ва тугатилиш қиймати барча оддий акциялар билан бир қийматда факат биринчи навбатда туланади.

**7.11.** Имтиёзли акцияларнинг оддий акцияларга айирбошланиши имконияти ва шартлари жамият кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва белгиланади.

**7.12.** Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

**7.13.** Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайдан эътиборан бекор қилинади.

**7.14.** Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва жамиятнинг розилигисиз ўзга шахсга беришга ҳақли .”Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 6-моддасидаги белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## **VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ РЕЕСТРИ ВА АКЦИЯЛАРНИ САҚЛАШ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ РЕЕСТРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ.**

**8.1.** Жамият акциядорларининг реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир.

**8.2.** Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш қимматли қоғозлар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

**8.3.** Жамият акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга оширишни жамият акциядорларининг реестри асосида тан олади.

## **IX. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ**

**9.1.** Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**9.2.** Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

**9.3.** Жамият ҳар бир молиявий йил натижаларига кўра бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

**9.4.** Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

**9.5.** Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Бунда имтиёзли акцияларнинг ҳар бири учун унинг номинал қийматининг 25 фоиз миқдорида дивиденд туланади.

**9.6.** Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият акциядорларининг дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Лекин, дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

**9.7.** Жамият дивидендларни юридик шахс ҳамда жисмоний шахс бўлган акциядорларга агарда



акциядорлар реестрида кўрсатилган бўлса ушбу ҳисоб рақамларга пул ўтказиш йули билан тулаб беради, агарда реестрда ҳисоб рақамлар кўрсатилмаган бўлса акциядорнинг ёзма мурожаатига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга ёки жисмоний шахснинг хошишига кура нақд пул куринишда тулаб беради.

**9.8.** Акциядорлар реестрида ҳисоб рақам кўрсатилмаган бўлса ёки акциядор дивиденд сўммасини олиш учун мурожаат қилмаса, жамият дивиденд сўммасининг тулаб берилмаганлиги ёки уз вақтида туланмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

**9.9.** Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

**9.10.** Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

**9.11.** Акциядорлар реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирмалар ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар сўммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлади.

**9.12.** Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

**9.13.** Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

## **X. ЖАМИЯТДА ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

**10.1.** Жамият соф фойда ҳисобидан:

10.1.1. Кўрилган зарарни қоплаш, жамият корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланган Захира Фондини;

10.1.2. Мехнатни муҳофаза қилиш фондларини тузади.

**10.2.** Жамият фаолияти учун зарур бўладиган бошқа фонд, жамғармалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тузилиши мумкин.

**10.3.** Жамият томонидан ушбу уставнинг 10.1-бандида кўрсатилган ҳар бир фондларнинг шакллантириш миқдори жами Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида белгиланиб, ушбу миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 % миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказилиб шакллантирилади.

**10.4.** Жамият томонидан ушбу уставнинг 10.1-бандида кўрсатилган ҳар бир фондларнинг шакллантирилиши ҳамда мақсадли ишлатилиши ва таъминланиши учун жамият ижро органи томонидан хизмат кўрсатувчи ёки белгиланган тартибда бошқа банкларда иккиламчи ҳисоб рақамлар очилади. Мазкур фондлар учун очилган ҳисоб рақамдаги пул маблағларидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

**10.5.** Белгиланган фондлар тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлинган ҳолларида, соф фойда ҳисобидан мажбурий маблағлар ажратиш орқали тикланади.

**10.6.** Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий сўммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

**10.7.** Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

**10.8.** Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати жамият устав фондининг Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилади.

## **XI. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.**

11.1. Жамиятни бошқарув органлари қуйидагилардан иборат: Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Ижроия органи.

## ХII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

12.2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

12.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида мазкур устав билан белгиланган акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар кўриб чиқилади.

12.4. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин қирқ беш кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

12.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

12.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўyxатини жамиятнинг кузатув кенгаши белгилайди.

12.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

12.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

12.8.1) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

12.8.2) жамиятни қайта ташкил этиш;

12.8.3) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

12.8.4) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

12.8.5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

12.8.6) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

12.8.7) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш;

12.8.8) ўз акцияларини олиш;

12.8.9) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг йиллик фаолияти натижаларини кўриб чиқиб, раҳбарлик ваколатини бекор қилиш ёки узайтириш ҳамда йиллик фаолияти оралиғида кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ижроия орган раҳбар томонидан меҳнат шартномасида белгиланган ўз меҳнат вазифалари кўпол равишда бузилганда ваколатини муддатидан илгари тугатиш;

12.8.10) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

12.8.11) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

12.8.12) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

12.8.13) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

12.8.14) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12.8.15) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12.8.16) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12.8.17) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

12.8.18) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

12.8.19) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг [35-моддасида](#) назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

12.8.20) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг [34-моддасига](#) мувофиқ акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;

12.8.21) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

12.8.22) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг [8 ва 9-бобларида](#) назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

**12.8.23)** Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

**12.8.24)** Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

**12.8.25)** ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

**12.8.26)** ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

**12.8.27)** электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

**12.8.28)** саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

**12.8.29)** Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

**12.8.30)** акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

**12.9.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органига ҳал қилиши учун берилмайди.

**12.10.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган куйидаги масалалар жамиятнинг кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилади:

12.10.1) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

12.10.2) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг [34-моддасига](#) мувофиқ акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;

12.10.3) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12.10.4) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12.10.5) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12.10.6) жамиятнинг ижроия органи раҳбари томонидан меҳнат шартномасида белгиланган вазифалари кўпол равишда бузилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 106-моддасида назарда тутилган ҳолатларда раҳбар ваколатини чеклаб ёки бекор қилиб, ўрнига бошқа вақтинча раҳбар тайинлаш.

12.10.7) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

**12.11.** Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларини қабул қилиш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга

акциядорлар хақида, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот ва хабар бериш тартиби, акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар киритиш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши, Санок комиссияси, акциядорларнинг ва давлат вакилининг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш тартиби, акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тартиби, овоз бериш бюллетени ва ундаги овозларни санаб чиқиш ва овоз бериш яқунлари буйича баённомани расмийлаштириш, акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини тузиш ва расмийлаштириш тартиблари, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

### **ХIII. Жамиятнинг кузатув кенгаши, унинг ваколат доираси, аъзолари ва раисини сайлаш ҳамда кузатув кенгаши мажлиси.**

**13.1.** Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

**13.2.** Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5(беш) кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

**13.3.** Корпоратив бошқарув кодексига акс этирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси –йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

**13.4.** Давлат вакили лавозимига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланмайди(қайта сайланмайди).

**13.5.** Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Овозлар тенг бўлиб қолганда, номзоднинг овоз сони ҳисобга олинади.

**13.6.** Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

**13.7.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисида кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 80(саксон) фоизини ташкил қилганда ўтказилиши мумкин бўлади.

**13.8.** Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг саксон беш фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақли бўлади.

**13.9.** Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

**13.10.** Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

**13.11.** Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

**13.12.** Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

**13.13.** Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

13.13.1) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- 13.13.2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ундан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- 13.13.3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 13.13.4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 13.13.5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 13.13.6) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- 13.13.7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 13.13.8) жамиятнинг ижроия органи раҳбари томонидан меҳнат шартномасида белгиланган вазифалари кўпол равишда бузилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 106-моддасида назарда тутилган ҳолатларда раҳбар ваколатини чеклаб ёки бекор қилиб, ўрнига бошқа вақтинча раҳбар тайинлаш. Бунда кузатув кенгаши белгиланган тартибда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.
- 13.13.9) жамият ижро органининг бошқа аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;
- 13.13.10) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибни белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- 13.13.11) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабригача кўриб чиқиб, кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун маъқуллаш.
- 13.13.12) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- 13.13.13) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 13.13.14) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш.
- 13.13.15) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 13.13.16) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 13.13.17) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 13.13.18) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- 13.13.19) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 13.13.20) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳоллардаги битимлар, шунингдек қийматидан катъий назар жамиятнинг асосий воситалари ҳисобланадиган мол-мулклар (транспорт воситалари, кучмас мулклар) ни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимлар (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 13.13.21) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 13.13.22) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- 13.13.23)** жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 13.13.24)** жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;
- 13.13.25)** ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек,

конун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

**13.13.26)**кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

**13.13.27)** жамиятнинг Ижро органи тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда жамият ижро органи раҳбарлигига танлов эълон қилиш ва танловда қатнашиш учун номзодлар рўйхатини белгилаб, жамият акциядорлар умумий йиғилишига киритиш.

**13.14.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган қуйидаги масалалар жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига берилади:

13.14.1) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

13.14.2) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг [34-моддасига](#) мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

13.14.3) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

13.14.4) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

13.14.5) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

13.14.6) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

13.15. Жамият кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

#### **XIV. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.**

**14.1.** Жамият ижроия органи –сон таркиби 3(уч)кишидан иборат жамият бошқаруви томонидан амалга оширилиб, у жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг таркибига доимий равишда ўз лавозимига кўра Раис, Бош муҳандис ва Бош ҳисобчилар киради.

**14.2.** Жамият бошқаруви жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият уставини, акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

**14.3.** Жамият бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

**14.4.** Жамият бошқаруви раиси жамият манфаатларини ифодалаб, унинг номидан ишончномасиз иш юритиш ва биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида бир йил муддатга сайланади (тасдиқланади) ва ҳар йили навбатдаги умумий йиғилишда иш фаолияти даври бўйича ҳисоботи эшитилиб, унинг иш фаолиятига баҳо берилади. Жамият бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини жамият номидан жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди.

**14.5.** Жамият бошқаруви раислигига тайинланадиган шахс, жамиятнинг асосий иш фаолияти билан боғлиқ соҳада камида 3 йил иш стажига эга, олий маълумотли, судланмаган бўлиши керак.

**14.6.** Жамият бошқаруви раиси ўз вазифасини эгаллаб турган ҳолда бошқа корхона ва ташкилотларда раҳбарлик вазифаларини олиб бориши мумкин эмас. Бевосита иш жойи асосий корхонада белгиланиши мумкин бўлган, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимияти органларининг устивор сиёсатларини белгиловчи жамоат ишлари билан боғлиқ ҳар хил фондлар, жамғармалар ва муассасалар бундан мустасно.

**14.7.** Жамият бошқарувининг қолган аъзолари, яъни Бош муҳандис ва Бош ҳисобчилар жамият кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва ва вазифасидан озод қилинади ва бу жамият бошқаруви раисининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

**14.8.** Жамият бошқаруви иш фаолиятини мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ижроия орган тўғрисида”ги Низом ҳамда тузилган меҳнат шартномаси шартлари асосида иш олиб боради.

**14.9.** Жамият бошқаруви(аъзолари) ва бошқарув раисининг асосий вазифа ва ваколатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланандиган “Ижроия орган тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

**14.10.** Жамият бошқаруви томонидан “Ижроия орган тўғрисида”ги Низомда белгиланадиган барча масалаларнинг ҳал қилиниши жамият бошқаруви раиси томонидан имзоланиб, қабул қилинадиган буйруқлар, хатлар ҳамда тайёрланган ҳужжатлар билан амалга оширилиб, жамият бошқаруви аъзоларининг коллегиял иштироки бевосита ушбу буйруқлар, хатлар ва тайёрланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, имзолаши билан белгиланиб, бунда ушбу масалалар бўйича жамият бошқаруви аъзолари томонидан бошқа ҳужжат, жумладан алоҳида йиғилиш баёни тузилмайди.

**14.11.** Жамият бошқаруви раиси томонидан имзоланиб, қабул қилинадиган буйруқлар, хатлар ҳамда тайёрланган ҳужжатлар албатта жамият бошқаруви аъзолари томонидан кўриб чиқилиши ва ўз муносабатини билдириши шарт. Ўз муносабатини ҳеч бир сабабсиз билдирмаслик жамият бошқаруви аъзосининг ўз вазифасини бажармаслик сифатида қаралади.

**14.12.** Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

## **XV. ЖАМИЯТ КУЗАРУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, ИЖРО ОРГАНИ РАХБАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**15.1.** Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият бошқаруви раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

**15.2.** Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

**15.3.** Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзоси, ижро органи раҳбари жавобгар бўлмайди.

**15.4.** Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси ёки ижро органи раҳбари ва аъзолари устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

## **XVI. ЖАМИЯТНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ.**

**16.1.** Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан 3 кишидан иборат миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилади.

**16.2.** Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

**16.3.** Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар қиради:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

- қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

**16.4.** Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

**16.5.** Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

**16.6.** Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

**16.7.** Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг хужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**16.8.** Миноритар акциядорлар кўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

## **XVII. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ.**

**17.1.** Жамиятда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

**17.2.** Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **XVIII. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМ ТУЗИЛИШИ,**

**18.1.** Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

**18.2.** Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инobatга олинмайди.

**18.3.** Жамият кузатув кенгаши томонидан йирик битим тузиш масаласи кўриб чиқиладиганда, шу йирик битим тузилгунча олдин ҳам тузилган бошқа йирик битим(лар) ва шу олдин тузилган йирик битим(лар) асосида жамият зиммасида бўлган ва қопланмаган мажбурият(лар) қиймати ҳисобга олиниши шарт ва агарда олдин тузилган ҳамда энди тузилмоқчи бўлган битимлар қиймати ушбу уставнинг 18.2-бандида кўрсатилган қийматдан ортиб кетадиган бўлса тузилмоқчи бўлган битим кузатув кенгашининг ваколат доирасидан чиқиб кетган битим ҳисобланади ва бундай битим тузиш ҳақида жамият кузатув кенгашининг қарори қабул қилиниши мумкин эмас бўлади.

**18.4.** Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилади.

**18.5.** Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим ва ушбу уставнинг 18.4-бандида кўрсатилган ҳолатдаги битимни тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

**18.6.** Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин 3 ой давомида жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. 3 ой муддат ўтгандан сўнг йирик битим тузиш ҳақидаги қарор уз кучини йўқотади.

**18.7.** Юқоридаги талаблар бузилган ҳолда тузилган битимлар ваколатли ва манфаатдор шахслар томонидан суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

## **XIX. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.**

### **а) Тафтиш комиссияси**

**19.1.** Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун 3 (уч) кишидан иборат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

**19.2.** Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.



**19.3.** Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси, фаолият кўрсатиш тартиби қонун ва жамиятнинг мазкур устави ҳамда умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

**19.4.** Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

**19.5.** Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

**19.6.** Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

**19.7.** Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

-жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, -шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

**19.8.** Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тузилган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

#### **в) Аудиторлик ташкилоти**

**19.9.** Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

**19.10.** Жамиятнинг устав фондидаги давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлганлиги сабабли аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

#### **б) Ички аудит хизмати**

**19.11.** Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганлиги учун жамиятда сон миқдори 2 тадан кам бўлмаган ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

**19.12.** Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

**19.13.** Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

## **XX. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ.**

**20.1.** Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

**20.2.** Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик ижроия органининг зиммасида бўлади.

**20.3.** Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

**20.4.** Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай жамият кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

**20.5.** Жамиятнинг молия йили 01-январдан бошланади ва 31-декабрда тугайди.

## **XXI. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ**

### **21.1. Жамият:**

- жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;
- акциялар эмиссияси рисоласини;
- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;
- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;
- жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият бошқарув раисининг буйруқларини;
- жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;
- жамият акциядорларининг реестрларини;
- жамият тафтиш комиссиясининг аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.
- Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

## **XXII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

**22.1.** Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

**22.2.** Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**22.3.** Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Республиканинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан;
- банкрот деб эълон қилинганда.

**22.4.** Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

**22.5.** Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

**22.6.** Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

**22.7.** Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**22.8.** Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

**22.9.** Давлат тугатилаётган жамиятнинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

**22.10.** Тугатувчи:

- жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

- Кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;

- Жамиятнинг мол-мулкани баҳолайди;

**22.11.** Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралик тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

**22.12.** Оралик тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

**22.13.** Агар тугатилаётган Жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи Жамиятнинг мол-мулкни суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

**22.14.** Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул сўммаларини тўлаш тугатувчи томонидан оралик тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибда мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

**22.15.** Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади. Бу баланс акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

**22.16.** Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

**22.17.** Биринчи навбатда қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

**22.18.** Иккинчи навбатда тугатилаётган Жамиятнинг мол-мулкни оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

**22.19.** Мол-мулкни ҳар бир навбат тартиби бўйича тақсимлаш аввалги навбат тартиби бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

**22.20.** Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини жамият хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

**22.21.** Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

**22.22.** Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

**22.23.** Тугатувчи ноқонуний ёки атайин нотўғри қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида Жамиятга келтирилган зарар учун жавобгардир.